



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

● 9 апрель 1969 йил, чоршанба ● № 84 (14.247) ● Баҳоси 2 тийин.

ЧИГИТ ЭКИШ — ЖАНГОВАР ИШ

Ерга тушган ҳар бир дон уруғнинг тақдири учун курашайлик.

● Дехқончилик маданияти экиннинг сифати билан белгиланади

● Ерни яхши тайёрланг ● Далалар тоза бўлсин

● Вилт касаллиги ва зараркундалар тарқатувчи ёввойи ўтларнинг ўсишига қарши ҳозирдан муҳим тадбирларни кўрайлик.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Совет болалар адабиёти» янада ривожлантириш тадбирлари туғрисидаги масалани қараб чиқди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда айтилгани, мамлакатимизда болалар учун ёш авлодин коммунистик руҳда тарбиялашга асос бўлган бе-рувчи юксак баъдий кўп мил-латли адабиёт вужудда келти-рилди. Бу адабиёт совет ва чет эл китобхонага яхши манзур бўлиб, социалистик жамиятнинг маданий ҳаётида муносиб ўрин олди. Партия ташкилотлари, иқтисодий соҳалар, «Детская ли-тература», «Молодая гвардия» нашриётлари, республика ва маҳаллий нашриётлар КПСС XXIII съездининг қарорларини бажара бориб, совет болалар адабиётини ривожлантириш, бо-лалар учун чиқариладиган ки-тобларни беэза ва полиграфия ижроси сифатини ошириш юза-сидан катта ишлар қилди.

Шу билан бирга қарорда бо-лалар адабиётига талаб ҳали-тда, нодетерминистликка эътибор берилган. Совет ҳалқининг қаҳрамонига йўли туғри-сида, Ленин партияси туғриси-да, қосмоқ ҳақида юксак истеъдодли асарлар етарлича ёзилмапти ва чиқарилмапти. Болалар китобларининг баъдий ва полиграфия ижросини ҳамма чоралар билан яхшилаш талаб этилади.


Ёш авлодин коммунистик руҳда тарбиялашда совет бола-лар адабиётининг ролини янада кучайтириш мақсадида иттифоқ дош республикалар Компартия-лари Марказий Комитетлари, КПСС область ва ўлка комитет-лари, СССР Министрлар Со-вети ҳузуридаги матбуот коми-тетига ҳамда иттифоқдош рес-публикаларнинг матбуот коми-тетларига болалар адабиётининг гоявий-баъдий мазмунини ошириш, темаларини кенгайти-риш ҳамда болалар учун чиқа-

риладиган китобларнинг тира-жонини ошириш, полиграфия ба-дасини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўриш топши-рилди.

В. И. Ленин ҳаёти ва фао-лияти туғрисида истеъдодли асарлар, Советлар мамлакатининг, Коммунистик партия ва Ленин қосмоқларининг қаҳрамо-ни тарихини, совет ҳалқининг ва ёшларнинг меҳнат ва жан-говар жасоратини тасвирлаш, болаларда коммунистик идеал-ларга садоқат, Ватанга меҳр, муҳаббат руҳини сингдирувчи ёшларда юксак маънавий ахлоқ, пролетар интернационализи ва ҳалқлар дўстлиги ҳис-туй-ғуларини, меҳнатсеварлигини, билимга иштакни содда ва қи-зақару тарзда очиб берувчи асарлар яратилди. Матбуот ко-митетлари, иқтисодий соҳалар ва нашриётларнинг энг муҳим ва-зифаларидан биридир. Мақтаб-гача ва кичик мактаб ёшдаги болалар учун адабиёт нашр қи-лишга алоҳида эътибор билан қарамок керак.

Совет болалар адабиёти на-зарияси, тарихи ва танқидчи-лиги масалаларини янада чу-қурроқ ишлаб чиқмоқ учун Россия федерациясида ҳар ой-да чиқадиган «Детская ли-тература» журнали СССР Ёзувчи-лар союзи, РСФСР Ёзувчи-лар союзи, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот ко-митети ҳамда РСФСР Министр-лар Совети ҳузуридаги матбу-от комитетининг органига ай-лантирилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Со-вети болалар учун яратилган жуذا юксак ва инқолибда истеъ-додли юксак гоявий адабиёт ва санъат асарлари учун 1970 йилдан бошлаб мавжуд муко-фотларга қўшимча яна битта Ленин мукофоти ва битта СССР давлат мукофоти таъсис эти-ши-га қарор қилди.



Б УХОРО областининг пахта далаларида кўплаб экин агрегатлари ишга тушди. Суратда: Свердлов районидagi «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Б. Баратов бошлиқ бригадасида чи-гит экиш пайти.

Г. Ёқубов фотоси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЧИГИТ ЭКИШ

НУКУС, «Совет Ўзбекистон» мухбири. Қо-рақалпоғистон АССРда ҳам чигит экиш бошланди. Туртқула районидagi «Не-муна» колхозининг Е. Ну-римов бошлиқ бригадаси дастлабки кун 6 гектар ерга уруғ ташлади. Бри-гада экинни 7-8 иш кун-да тамомлаш мўлжал-ламакда.

Эрта-инди райондаги бошқа хўжаликларда ҳам экинга киришляди.

ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон ССР областларида чигит экиннинг бориши туғриси-да 1969 йил 8 апрелга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — чигит экин пай-ли (минг гектар ҳисобиде); учинчи стун — шми экинган чигит (гектар ҳисобиде); тўртинчи стун — планга қисбатан процент ҳис-обиде; бешинчи стун — шу жумладан бир кунда экинган чигит (гектар ҳисобиде).

Тошкент	142,1	795	0,5	671
Сирдарё	253	34	0,01	34
Фарғона	193,7	418	0,2	173
Наманган	134,9	1148	0,8	806
Андижон	184,3	1213	0,7	949
Самарканд	172,7	850	0,5	434
Бухоро	163,4	1096	0,7	258
Қашқадарё	94,7	3706	3,9	1872
Сурхондарё	116,5	17276	14,8	5408
Хоразм	103,7	—	—	—
ҚҚ АССР	126,5	—	—	—
Республика бўйича	1685	26536	1,58	10605

БИНОКОРЛАР ДИЛКАШЛИГИ

Болгария бинокорлари деле-гациясининг раҳбари — Болга-рия Компартияси Марказий Ко-митети Сийесий бюросининг аъ-зоси, Болгария Халқ Республика-си Министрлар Совети Раисини-нги ўринбосари, қурилиш ва архитектура министри Пенчо Кубадинский республикаимизга қай мақсадда келганлигини таъ-рифлаб: «Ўзбекистонда, айниқса Тошкентда бўлмай туриб, совет бинокорчилигининг таърибасини билб бўлмайди» деб айтди.

Тошкент аэропортида болга-риялик меҳмонлар шодона ку-тиб олишди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Му-сахонов, республика Министр-лар Совети Раисининг ўринбо-сари Н. В. Маринков, министр-лар С. И. Иброҳимов, Ғ. С. Со-бинов ва қурилиш ташкилотла-рининг бошқа раҳбарлари меҳ-монларни самимий таърифляди-лар.

Делегация аъзолари Тошкент-га келганларидан кейин орадан сал вақт ўтгач Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси

Р. Қўрбонов билан учрашди. Дўстона суҳбатда у меҳмонлар-ни Ўзбекистон экономикаси ва маданияти ривож билан, ша-ҳар ва қишлоқ қурилиши қан-дай олиб борилаётганлиги бил-ан таништирди. П. Кубадинский болгар халқига азгу туй-ғулар изҳор қилган ўзбекис-тонлик дўстларига самимий миннатдорчилик билдириб, Болгария ва Ўзбекистон халқ хўжалиги турли тармоқлари-нинг мутахассислари ўрта-сидаги дўстона алоқалар кейин-ги йилларда мустаҳкамланган-лигини таъкидлади ва бу алоқа-лар келгусида таъғи ҳам кенг кўлабда ривожланиб боради, деб ишонч билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. В. Маринков ва А. Р. Хўжаев, СССР Гос-строй коллегиясининг аъзоси П. Ф. Бакума иштирок эти-ди.

Делегация аъзолари шаҳар-даги қурилиш майдончаларини ва бинокорлик индустрияси кор-

хоналарини бир неча соат мо-байнида кўздан кечирди.

Тошкентни ҳақли равишда ушун қурилиш майдончаси де-са бўлади. — деди Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухби-рига П. Кубадинский. — Иш-ларнинг кўламини ҳам, иморат ну-риш суръатлари ҳам, замонавий индустриал формалар билан қадимий ўзбек меъморчилиги-нинг бой меросини уйғунлаш-тириш йўлидаги илтилош ҳам кишини қўйиб қолдиради. Тош-кентни қайтадан тиглаш йара-ғида шу қадар яққол намоён бўлган совет ҳалқларининг ўза-ро қардошларча ёрдами энг кучли таассурот тугдилади, ал-батта. Тошкентга қилган сафа-римиз ҳаммамизни руҳлантириб юборди.

Шаҳарни кўздан кечириб вақтида делегация Тошкентга туғфа қилиб мактаб қуриб бе-раётган болгар бинокорлари бил-ан учрашди. Бинокорлар ҳам-ма ишларни муваффақият билан ва юксак сифатли этиб бажари-шига қарор қилганлигини айтди.

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети дон экинлари ва шол иштириш ҳамда тайёрлаш илғорларини мод-дий ва маънавий жиҳатдан бундан бую ҳам рағбатлантира бориш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани янада авж олдириш мақса-дида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг сс-далик Қизил байроқларини таъсис этиди. Бу эсдалик Қизил бай-роқлари дон экинлари ва шол иштириш ҳамда тайёрлашнинг кўпай-тиришда 1969 йилда энг юксак нурсаткичларни кўлга киритган об-ластларга, районларга ва соҳахларга топширилади; областлар учун иккита байроқ, районлар учун иккита байроқ, соҳахлар учун учта байроқ таъсис этилди.

Эсдалик Қизил байроқлари бир йил ичда қилинган ишларнинг якунига қараб топширилади. Эсдалик Қизил байроқлари топши-рилиши билан бир вақтда областларга икки минг сўмдан, район-ларга минг сўмдан, соҳахларга беш юз сўмдан мукофотлар бе-рилади.

Област сўмдан комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министр-лар Советига ва област ижроия комитетларига мазкур қарорни иенг муқоама қилиш, ғаллакор эвенлар, бригадалар, колхозлар, соҳахлар ва районлар орасида дон иштириш, тайёрлаш юзасидан ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини му-носиб кўтиб олиш соҳасида қабул қилинган мажбуриятларнинг му-ддатидан илгари бажарилиши учун социалистик мусобақани иенг авж олдириб юбориш таъкиф қилинди.

Республика газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министр-лар Советининг Радиошўнғитиши ва телевидение давлат комитети-га дон экинлари ва шол иштириш соҳасида юксак нурсаткич-ларга эришиш йўлидаги социалистик мусобақа қандай бораётганли-гини мунтазам ериб турши топширилади.

БУЮК ПОЧИН АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ШАНБАЛИК АРАҒАСИДА

САРИОСИЕ («Совет Ўзбекистон» мухбири). Шарғун кўмир қавасининг шахтларини улуғ доҳий туғилган кунининг 100 йил-лигини, ленинча шанбаликлар-нинг 50 йиллигини муносиб меҳ-нат соғалари билан нишонлаш мақсадида жамоатчилик кучи би-лан жуذا катта ва анойиб иш-ларини қилди. Шахтёрлар ша-ҳарчаси — Тоғчиёй посёлоксининг икёфаси бутунлай ғазариб, обо-донлашиб қолди. Посёлокни обод ва кўркам қилиш ишларининг ҳаммаси шанбаликлар уюштириш йўли билан жамоатчилик ишти-рокнда бажарилади.

Бу ерда Ленин шанбаликларини катта қилинмай ўтказилмакда. Бу муҳим сиёсий ишга кўмир но-ни партия, комсомол ва касаба союзи ташкилотлари бош-қош бў-либ келаяптилар. Жумладан, 1967 йилда жамоатчилик кучи билан шанбаликлар ёрдамида 8 минг наварат меҳнатдаги комсомол кўли нуриб битказилди. Шу ер-нинг ўзига ҳордиқ чиқариш зо-наси қурилади. Кўл атрофида 2500-туп ниҳол ўтказилиб, бог бунёд

этилди. Ҳозир бу зона меҳнат-чиларининг энг севимли ҳордиқ чиқариш жойига айланди.

Сўнгги йилда меҳнатда шанбаликлар ёрдамида Шарғун трассасининг ғўзал ва шифобахш жойларидан бирида «Шафак» пи-онер лагерни қуриб ишга туширилди. Бу лагер дегнз сатҳидан 2 минг метр балиндинда жойлашган бў-либ, 190 баланинг дам олиш учун мўлжалланган. Лагерь тер-риториясига комсомол ва ёшлар кучи билан шанба кунларида 800 туп мевали дарахт кўчатлари ўт-казилди. 1968 йилда ва 1969 йил-нинг ўтган уч ойи давомида шах-тёрлар посёлокни маркази. да ва ёзги истироҳат бо-ғида фонтанлар қурилади. Шу-нингден, ёзлик богда 400 киши-лик иенг энгизли кинотеатр меҳ-

наткашлар ихтиёрига топшири-лади. Бу олимоб ишда кўмир но-ни бошқармасининг барча ишчи хизматчилари, инженер-техник ходимлари иштирок этиди. Улар, иенг кўпчилиги шанбаликларда 30-40 соат меҳнат қилди. Ишчи ва хизматчилардан Мирзахулов, Ор-тин, Ибатуллин, Аутухонев ва Рафиков ўртоқлар шанбаликларда ҳамдага намуна бўйдилар. Ман-таб ўнучилигини кучи билан кинотеатр атрофида бир минг тупдан ортиқ манзарали ва мева-ли дарахт кўчатлари ўтказилди.

Шу неча-кунда Шарғун шах-тёрлари жамоатчилик кучи билан дам олиш уйи ва ҳордиқ «иш-чи зоналарини янада кўркам ва обод қилиш учун меҳнат қи-ляптилар.

А. ХАЛИЛОВ.

ТОШКЕНТ ИШЧИСИГА

«Таштентильмаш» заводининг таъғиси бошланган машиналар ўн-санкнзта чет давлат фабрикала-рида ва комбинатларида ишлатил-моқда. Шу мамлакатларнинг кўп-чилигида, жумладан Жапон, Бол-гария, Франция, Чехословакия, Туркияда машиналарнинг монтаж қилиш ва ишга тушириш ишлари норхонанинг конструкторлик-мон-таж бюроси бош монтажчилари-нинг раҳбарлигида бажарилади. Совет мутахассисларининг масла-ди.

СОВЕТ — МАРОКАШ ҚУШМА АХБОРОТИ

СССР Олий Совети Президиуми-нинг Раиси Н. В. Подгорний Ма-рокаш қироли Ҳасан II олий ҳаз-ратларининг таълифига бйонав расмий визит билан Марокашга бориб, 1969 йил 1 апрелдан 7 ап-релгача меҳмон бўлиб турди.

Ана шу визит вақтида, дейила-ди Совет—Марокаш қўшма ахборо-тида, зўр самимият руҳида, ҳам-ирихатли ва дўстлик вазиятида музокаралар бўлиб ўтди.

Қирол Ҳасан II олий ҳазратлари раҳбарлигида Марокашнинг итти-содий ва социал тараққиёти ман-раатлари йўлида ўтказилган ма-рокашга совет томонин зўр қи-зиқи билан қаради ва Марокаш-ни ривожлантириш планларида белгиланган вазифаларини рўёбга чиқариш ишига ўз ҳиссасини қў-иш истагини билдирди, дейилади ахборотда.

Марокаш томонин Совет — Ма-ро-каш ҳамкорлигининг саварали ривожланиб бораётганлиги да н мамнуният изҳор қилди.

Ҳар иккала томон иккала мам-ланатда Совет—Марокаш ва Ма-рокаш—Совет дўстлиги нажиатла-ри тузиш лозимлигини айтди. То-монлар халқаро аъволнинг мантуал масалалари юзасидан фикрлашиб, турли социал тузум, даги давлатларнинг тинч-тотув ишати принциплари ўзларининг содиқ экинликларини ана бир марта таъиндлади. Улар билан бир қан-ча муҳим халқаро проблемалар юзасидан ўз қарашларининг бир-бирига қилинганлигини, ёни бир-бирга қилинган мамнуният билан қайд қилди.

Улар Европа қитъасида тинч-лигини мустаҳкамлаш — халқаро кескинликни юмшатиш ва ялпи тинчлигини сақлаб қолишнинг му-ҳим омил эканлигини айтди. Исроилнинг араблардан босиб олинган ва арабларга те-ғишли бўлган қисмидан чиқиб ке-тишдан қайсарлик билан бош тор-таётганлигини иккала томон қор-лади. Яқин Шаридagi вазиятнинг кескинлашуви, деб таъиндланди ахборотда, халқаро тинчликка катта хавф солмоқда.

Жанубий Родезидаги ва Жану-бий Африкадаги ҳокимият тепа-сида турган ирчи режимларни томонлар кескин қоралади. Улар Парижда музокаралар ўтказ-илаётганлиги фактини мамнуният билан таъиндлади. Улар Вьетнам халқининг четдан ҳеч кимни ара-лаштирмай ўз таъдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини яна кўлаб-қувват-лади.

Ҳар иккала томоннинг фикрича, Н. В. Подгорнийнинг Марокаш қиролига қилган расмий визити ва шу муносабат билан ўтказилган фикрлашулар, дейилади ахборотнинг пирваридида, Совет—Марокаш муносабатларини янада ривожлантиришга, шунингден, тинчлик ва халқаро ҳамкорли-кига қўшилган янги ҳиссадир. Марокаш қироли Ҳасан II СССР-га бориш туғрисидаги таълифин мамнуният билан қабул қилди.

Н. В. ПОДГОРНИЙ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгор-ний Марокашдан Москвага қай-тиб келди. Н. В. Подгорний Жа-зор Халқ Республикаси Рево-люцион Кенгашининг Раиси, Министрлар Советининг Раиси

Хуари Бумиддиннинг таълифига бйонав расмий визит билан Жа-зонрга борган эди. Н. В. Под-горний қирол Ҳасан II таъли-фига бйонав расмий визит бил-ан Марокашда бўлди. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети танқили партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раисини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Демьян Сергеевич Коротченко-нинг 1969 йил 7 апрелда 75 ёшда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

